



ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/

VOLUME-2, ISSUE-12

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИ

Жураев Хусан Атамуратович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети
Молия ва туризм кафедраси мудири и.ф.ф.д Phd

Солихова Хумора Хасан қизи

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети 2- босқич
Магистранти


Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини солиқққа тортиш амалиёти, шунингдек, ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари таркиби, иқтисодиёт тармоқлари кесимида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларини таркиби, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги улуши таҳлили баён этилган.

Калим сўзлар: Солиқ имтиёзлари, экспорт, инвестиция, кичик корхона, ўрта корхона, ҳудудлар, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш.

Аннотация: В статье описывается практика налогообложения субъектов малого бизнеса в Узбекистане, а также состав субъектов малого и среднего бизнеса, действующих в разрезе регионов, структура субъектов малого и среднего бизнеса, работающих в различных секторах экономики, и анализируется их доля в экономике.

Ключевые слова: налоговые льготы, экспорт, инвестиции, малые предприятия, средние предприятия, регионы, производство, промышленность, строительство.

Annotation: The article describes the practice of taxation for small business entities in Uzbekistan, as well as the composition of small and medium-sized businesses operating across regions, the structure of small and medium-sized enterprises in various






economic sectors, and an analysis of their share in the economy. **Keywords:** tax incentives, export, investment, small enterprises, medium enterprises, regions, production, industry, construction.

Кичик ва ўрта корхоналарни солиққа тортишда солиқларни ҳисоблаш ва уларнинг бизнесга таъсирини таҳлил қилиш муваффақиятли бизнес юритишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Солиқ тизими компаниянинг молиявий ҳолатига, унинг ўсиши ва ривожланиш қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Кичик ва ўрта бизнес учун солиқ юкини таҳлил қилишда қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар каби турли солиқлар ҳисобга олинади. Муайян бизнесга қайси солиқлар қўлланилишини, кичик ва ўрта корхоналар учун қандай имтиёзлар ва солиқ имтиёзлари берилишини, шунингдек солиқлар нотўғри ҳисобланган тақдирда қандай солиқ хатарлари пайдо бўлиши мумкинлигини баҳолаш муҳимдир. Солиқларни ҳисоблаш ва уларнинг бизнесга таъсирини янада чуқурроқ таҳлил қилиш тадбиркорларга ўз тадбиркорлигини бошқариш бўйича асосли қарорлар қабул қилишга, солиқ юкини оптималлаштиришга ва юзага келиши мумкин бўлган жарималар ва солиқ хатарларидан қочишга ёрдам беради.

2023-йил 18 август куни Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти тадбирокрлар билан очик мулоқат ўтказди¹. Унда тақлифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлинди ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизими йўлга қўйилди. Туман ва шаҳарлар ҳам 5 та тоифага ажратилди, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режимлари жорий қилинди. Натижада бу туманлардаги тадбиркорлар ўтган олти ойда қарийб 1 триллион сўмлик имтиёзлардан фойдаланди. Бунинг ҳисобига, 20 та тумандаги тадбиркорларнинг даромади ўтган йилга нисбатан 1,5-2 бараваргача ошди. Қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати қисқартирилиб, ўтган бир йил ичида 6 мингта корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилди. Айниқса, экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган

¹ www.prezident.uz





қиймат солиғини интизомли экспортчи корхоналарга қайтариб бериш тартиби жорий қилингани натижасида, 2 мингдан зиёд тадбиркорлар ҳисоб-рақамига 7 триллион сўм келиб тушди. Самарасиз солиқ механизмларини қўллаш оқибатида вужудга келган солиқ қарздорлигидан воз кечилгани ҳисобига, бизнес ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектларини фаолияти юзасдан таҳлил қилганимизда, айниқса иқтисодиёт тармоқлари кесимида 2.1-жадвалда йиллар кесимида кўришимиз мумкин.

2.1-жадвал

**Иқтисодиёт тармоқлари кесимида фаолият кўрсатаётган
кичик ва ўрта бизнес субъектларини таркиби²**

Тармоқлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Жами	262 930	334 767	411 203	462 834	523 556	417 080
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	23 975	28 847	40 719	45 897	53 199	37 178
саноат	56 233	69 970	82 746	90 313	97 911	68 564
қурилиш	28 955	36 021	40 695	43 410	46 637	34 272
савдо	70 457	100 573	131 597	156 539	182 198	157 344
ташиш ва сақлаш	13 121	15 157	17 056	18 045	20 451	17 716
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	19 656	25 461	29 947	32 948	36 645	28 183
ахборот ва алоқа	6 738	7 621	9 221	10 247	11 823	10 147
соғлиқни сақлаш ва	5 364	6 370	7 588	8 814	9 976	9 427

² www.stat.uz-сайт маълумотлари асосида тайёрланди.





VOLUME-2, ISSUE-12

ижтимоий хизматлар						
бошқа турлари	38 431	44 747	51 634	56 621	64 716	54 249

Юқоридаги 2.1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, кичик ва ўрта бизнес фаолияти билан айниқса савдо соҳаси жуда муҳим аҳамият касб этиб, умумий фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес ҳиссасида 2024 йилда 37,7 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2023 йил 34,8 фоизни, 2022 йил 33,8 фоизни, 2021 йил 32,0 фоизни, 2020 йил 30,0 фоизни ва 2019 йил 26,8 фоизни кўрсаткмоқда. Ушбу кўрсаткичларни йилдан йилга кўпайишининги асосий сабабларидан ушбу соҳага эътибор яъни солиқ имтиёзларни ҳам берилиши натижаси ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларни ҳудудлар кесимида таҳлилини 2.2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.2-жадвал

Ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари таркиби³

Ҳудудлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Республика бўйича	262 930	334 767	411 203	462 834	523 556	417 080
Қорақалпоғистон Республикаси	11 985	14 677	18 288	19 998	22 863	22 066
Андижон	22 560	25 807	31 683	34 999	39 038	24 381
Бухоро	14 805	19 981	24 809	27 690	30 082	27 594
Жиззах	11 197	14 011	17 725	19 463	22 474	16 677
Қашқадарё	16 218	20 304	25 297	31 152	36 421	27 980
Навоий	9 104	14 885	17 931	20 472	22 844	19 539
Наманган	16 975	21 461	26 531	28 949	32 305	23 136
Самарқанд	19 629	25 643	33 114	40 724	47 943	37 398

³ www.stat.uz-сайт маълумотлари асосида тайёрланди.





VOLUME-2, ISSUE-12

Сурхондарё	11 618	15 509	21 563	24 395	27 368	20 589
Сирдарё	8 318	11 026	13 360	13 808	15 036	11 217
Тошкент	25 410	32 602	40 223	44 156	49 145	38 953
Фарғона	23 304	29 300	36 117	40 403	46 350	36 238
Хоразм	11 815	15 453	18 875	21 984	25 616	23 854
Тошкент.ш	59 992	74 108	85 687	94 641	106 071	87 458

Юқоридаги жадвалда ҳудудлар кесимида кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият юритаётган субъектлар келтирилган бўлиб, унда айниқса Сирдарё, Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида кичик ва ўрта бизнес ривожланиши камчиликни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири аҳолини зичлигини камлиги, ҳудуд жойлашуви тоғли ва чўл зоналарини ташкил этилганлиги ҳисобланиб, Навоий вилоятида айниқса йирик корхонлари жойлашуви шакллантирилган. Ҳозирги кунда ушбу соҳаларда солиқ имтиёзларини қўллаган ҳолда кичик ва ўрта бизнесини ривожлантиришга кўмаклашиш ислохатлари олиб борилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнеснинг йиллар кесимида улушини таҳлил қилганимизда 2.3-жадвал маълумотларини шакллантирилди.

2.3-жадвал

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иқтисодийтадаги улуши таҳлили⁴

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
ЯИМ	56,0	54,8	54,1	51,8	55,2
Саноат	25,8	27,9	27,4	26,0	25,9
Қурилиш	75,8	72,5	72,5	71,5	74,2
Бандлик	76,2	74,5	74,5	73,9	74,1
Экспорт	27,0	20,5	20,0	29,6	30,1
Импорт	61,6	51,7	45,3	49,4	49,8

⁴ www.stat.uz-сайт маълумотлари асосида тайёрланди.





Жадвал маълумотларидан ЯИМга нисбатан кичик ва ўрта бизнес 2019 йил 56 фоизни ташкил этган бўлса 2023 йил охирига келиб бу кўрсаткич 55,2 фоизга камайган. Бунинг асосий сабаларидан кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз фаолиятларини йириклаштиришга мувоффақ бўлишган. Айниқса бу ислохотларни солиқлардан берилган имтиёзлар ҳисобига эришилган. Бундан ташқари 2019 йилда Солиқ кодексининг янги қабул қилиниши кейинчалик кичик бизнес фаолиятини жадал равишда ривожланишига ва айланма маблағларини йириклаштиришга кўмакчи сифатида фаол бўлган.

Кўплаб мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари 3 тоифага — кичик, ўрта ва йирик бизнесга бўлинганлигини таъкидлади. Давлат ҳар бир тоифа учун алоҳида қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистонда бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутадиган ўрта бизнес концепцияси умуман йўқ. Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликларга “ўрта бизнес” тоифасини жорий этиш, кичик ва йирик бизнес мезонларини кўриб чиқиш, ҳар бир тоифа учун алоҳида механизмлар билан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш топширилди. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўрта бизнес сифатида таснифланиши таклиф қилинмоқда:

ишлаб чиқариш саноати — 100 дан 150 кишигача ишлайди;


қурилиш ташкилотлари — 70 дан 100 кишигача ишлайди;

чакана савдо-40 кишигача ишлайди;

хизмат кўрсатиш соҳаси-20 дан 30 кишигача ишлайди.

Кичик ва ўрта бизнес учун барча имтиёз ва преференсияларни кенгайтиришни таклиф қилади. Бундан ташқари, йиллик айланмаси 1 дан 3 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектларини ўрта бизнес тоифасига киритиш ва улар ҚҚСдан озод қилиш таклиф этилади. Аммо солиқ кодекси лойиҳасида солиқ мажбуриятларини бажариш нуқтаи назаридан микрофирма ва кичик корхона, тадбиркорлик субъекти ёки кичик тадбиркорлик субъекти тушунчалари умуман йўқ.


Эндиликда тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтганидан кейинги фаолиятини тартибга солишга доир ҳуқуқий асосни такомиллаштириш,





Ўзстандарт, Ўзгеодезкадастр ва шу каби тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан муносабатларни тартибга солиш, бажарилган ишлар учун тўловлар миқдорини камайтириш ҳамда қатъий шкаласини Фикримизча, эркин тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш мақсадида тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг ҳуқуқшунос маслаҳатчилари, адвокатлари ҳам бўлишини таъминлаш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўргатадиган, ҳуқуқий билим ҳамда малакаларини оширишлари учун ўқув марказлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар Кенгаши, “Тадбиркор аёл” уюшмасининг жойлардаги бўлинмаларида адвокатлар штатини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо тадбиркорларга имтиёзли нархларда хизмат кўрсатишларини таъминлаш лозим. Кичик тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун муҳим муаммолардан бири моддий-техника ресурслари билан таъминланиш ҳисобланади. Ҳозирги даврда уларни моддий хом ашё ресурслари билан таъминлашда товар хом ашё биржаси, улгуржи савдо ташкилотларининг ролини янада ортириш муҳим аҳамият касб этади.

Истикболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий бизнес ва тадбиркорликни янада жадал ривожлантириш учун уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш тизимни такомиллаштириб бориш, бу борадаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиб бориш лозим бўлади. Аввол бор, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитини муттасил замон талабларини ҳисобга олган ҳолда яхшилаб бориш бўйича чоратадбирларини амалга ошириб бориш лозим бўлади. Бу борада тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сонли фармони.

3. Отамуродов Н.Н. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини солиққа тортиш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2024

4. Мейлиев О.Р. Худудий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: ТМИ, 2018. -27 б.

